



ARTICLE INFO

Received: 14th January 2023

Accepted: 24th January 2023

Online: 25th January 2023

KEY WORDS

Умумий ўрта таълим мактаблари – УЎТМ. Технология таълими ўқитувчилари – ТТЎ. Миллий халқ хунармандчилик технологиялари – МХХТ. Ёғочларга ишлов беришга асосланган миллий халқ хунармандчилик соҳалари – ЁИБАМХХС. Наққошлик саъати – НС.

ЎҚУВЧИЛАРДА МИЛЛИЙ ЁҒОЧСОЗЛИК ХУНАРМАНДЧИЛИГИ ТЕХНОЛОГИЯСИГА ОИД КУНИКМА ВА МАҲОРАТ МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

¹М.З.Муртазаев,

²Н.Холиқулов

Доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7572389>

ABSTRACT

Ушбу илмий услубий мақолада умумтаълим мактабларида технология таълимида ёғочсозлик миллий халқ хунармандчилик технологияларини ўқитиш жараёни илмий ташкил қилишнинг методик асослари келтирилган.

Ёғочга нақш уйиш ва гул солиш санъати ёғоч уймакорлиги меъморчилик билан бир қаторда уй-рузғор буюмларига безак беришда кенг қулланилмоқда. Маҳаллий анъаналарни авайлаб, ардоқлаб, уларни янги мазмун билан бойитаётган халқ усталари, асрлар давомида сайқал топган қадимий санъатнинг етук намуналарини яратмоқдалар. Хозирги кунда архитектура билан боғлиқ бўлган ганч ва ёғоч уймакорлиги тобора тарақий этиб бормоқда. Ўзбекистонда қадимдан меъморчилик ва уй-рузғор буюмларини безашда, халқ амалий санъатининг турларидан бири ёғоч уймакорлиги кенг қулланиб келинган. Ёғоч уймакорлигида турли нақш услубларидан фойдаланилади. Хар бир уста узи яшаб, ижод этган ердаги бадиий анъаналарнинг узига хос томонларини ижодида акс эттиради[1].

Қадим замонлардан бери ота-боболаримиз инсоният вужудга келтирган кашфиёт, илм-фан чўққиларини эгаллаб, ўз хунарларини авлоддан-авлодга ўтказиб келмоқдалар. Олдинига устоз шогирд ананасида, кейинчалик умумий ўрта таълим мактабларида ёғочга ишлов беришга асосланган миллий халқ хунармандчиликни бошланғич таянч технологияларини маълум дастурлар асосида ўқитилиб келаяпти. Касб хунар ва махсус таълим муассасаларида ёғочга ишлов беришга асосланган миллий халқ хунармандчилик технологиялари маҳсулот ишлаб чиқариш даражасида ўргатилиб, касб эгалари даражасида ўқитилади.



Ўқувчиларга умумий ўрта таълим мактабларида технология таълимини халқ хунармандчилик бўлимида миллий халқ хунармандчилик техноло-гияларини ўргатиш дастур бўйича кузда тутилган. Жумладан, ёғочга ишлов беришга асосланган миллий халқ хунармандчилигининг технологик сир-асрорларини ёш авлодга ургатишдан мақсад ёғочга ишлов беришга асосланган миллий халқ хунармандчиликка оид бошланғич билимлар бериш, бошланғич куникма ва малакаларга эга қилдиришдан иборатдир. Умум таълим мактабларини технология таълими ўқитувчилари айрим ҳолларда ривожланиш интенсификацияси билан ўқув дастурларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан хунармандчилик билим ва куникмалари билан амалий таништирадilar. Бунинг учун технология таълими ўқитувчилари 5-7 синфларда ўқувчиларни ёғочсозликка асосланган миллий халқ хунар-мандчилик соҳалари ва ишлаб чиқарилган маҳсулот турлари ҳамда хунар-мандчилик технологиялари билан таништиришлари лозим. 8-9 синфларда бевосита ёғочсозликка асосланган миллий халқ хунармандчиликда ишла-тилатидан материаллар ва жиҳозлар, ёғочсозлик хунармандчилигида маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясини қамрайдиган ишлаб чиқариш асосларини ўргатишлари керак. Ўз навбатида умумтаълим мактабларини технология таълими ўқитувчилари ўқув дастурлари қандай бўлишидан қатъти назар, технология таълимини халқ хунармандчилик бўлимини қандай дидактик кетма-кетликда ўқувчиларга ўргатиш кераклиги ҳақидаги услубий муаммони ҳал қилишлари керак бўлади.

Куп йиллик тажрибаларимиздан келиб чиққан ҳолда, умумтаълим мак-табларида ўқувчи ёшларни ёш хусусиятлари ва хунармандчилик техноло-гияси моҳияти бўйича миллий халқ хунармандчилик соҳаларини қуйидаги тартибда ўқитиш мақсадга мувофиқдир[2].

1. Миллий халқ хунармандчилик соҳаларини уларда ишлатилаётган материал турига қараб умумлаштириш, яни ёғочга ишлов беришга асослан-ган миллий халқ хунармандчилик соҳалари, металга ишлов беришга асосланган, газламага ишлов беришга асосланган, турли хил материал(тош, суяк, тупроқ гелина, пластмасса ва бошқалар)ларга ишлов беришга асосланган миллий халқ хунармандчилик соҳаларига бўлиш керак.

2. Технология таълимини юналишлари бўйича ёғоч ва метал ҳамда газламаларга ишлов беришга таълуқли хунармандчилик соҳаларидан ўқув дастури бўйича қайси бирини ўқитишни соҳа муракаблигига қараб, синф-ларга тақсимлаш керак.

3. Ёш авлодни утмишдаги миллий халқ хунармандчилик технология-ларидан имкон қадар хабардор қилиш зарурияти бўйича айрим мавзуларни тугаракларда ўқитиш лозим булади.

Юқорилардан миллий халқ хунармандчилик соҳаларини ишлов бери-ладиган материали бўйича умумлаштирамиз ва синфлараро ўқитиш тартибини қуйидагича тузиш мақсадга мувофиқ булади.

1. 5-7 синфларда 2-4 соат ўқув миқдорида тегишли хунармандчилик соҳаларини келиб чиқич тарихи, уларда тайёрланадиган маҳсулотлар ҳақида утилиши керак.

2. 8-9 синфларда 14-10 ўқув соати миқдорида тегишли хунармандчилик соҳалари бўйича хунармандчиликда ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуна ҳамда



мосламалар, хунармандчиликда фойдаланиладиган нақшлар, хунармандчиликда маҳсулотлар тайёрлашнинг технологик усуллари ҳарида амалий ўргатиш керак булади.

3. Ёғочларга ишлов беришга асосланган миллий халқ хунармандчилик соҳаларига ёғоч уймакорлиги, бешикчилик, аравачилик, эгарчилик, сандиқ-чилик, сандалчилик, саватчилик, буйрачилик, каровот(сури)чилик, мусиқа чолғу асбобларини тайёрлайдиган хунармандчилик, мебелчилик, миллий ром ва эшиклар, ўй жиҳозлари тайёрлайдиган хунармандчилик ва бошқаларни киритиш мумкин.

4. Металларга ишлов беришга асосланган миллий халқ хунармандчилик соҳаларига дегрезлик, пихтакорлик, қўймакорлик, чилангарлик, заргарлик, пичоқ созлик, мисгарлик, қандакорлик ва бошқаларни киритиш мумкин.

5. Газламаларга ишлов беришга асосланган миллий халқ хунарманд-чилик соҳаларига қуроқчилик, каштачилик, зардузлик, чопончилик, дуп-пичилик, гиламчилик, кийгизчилик, кунчилик, муйначилик, сузана-парда-чилик пояфзал косибчилиги ва бошқалар киради.

6. Турли хил материалларга ишлов беришга асосланган миллий халқ хунар мандчилик соҳаларига ганчкорлик, ҳайкалтарошлик, кулолчилик, суяк ва тош уймакорлиги, тандирчилик, қандолатчилик ва бошқалар киради.

Умумий ўрта таълим мактабларида халқ хунармандчилиги фани ўқув-чиларга алоҳида фан сифатида ўқитилмайди, балким технология таълими фани ичида бир булим сифатида ўқитилади. Қолаверса, ўқувчиларга халқ хунармандчилигини барча соҳаларини ўргатиш имкони йўқ, ўқув соати чега-раланган, улар хунармандчилик соҳаларидан мактаб шароити ва имконияти буйича уйғунлаштирилганларини танлаб ўқитиши мумкин. Шу боисдан синфлараро ўқитилиши қўйидагича булса мақсадга мувофиқ деб уйлаймиз.

1. 5 - синфларда ёғочга ишлов беришга асосланган уймакорликка оид ёғоч уймакорлиги, бешикчилик, эгарчилик, металга ишлов беришга асос-ланган дегрезлик, заргарлик, чилангарлик, газламаларга ишлов беришга асосланган кашталузлик буйича каштачилик, чопончилик дўппичилик қуроқчилик каби хунармандчилик соҳалари буйича уларни тарихи, уларда тайёрланадиган маҳсулотлар ҳақида утиш мақсадга мувофиқ булади.

2. 6 - синфларда ёғочга ишлов беришга асосланган сандиқчилик, ара-вачилик, каровот(сури)чилик, металга ишлов беришга асосланган пичоқ-созлик, қўймакорлик, рихнакорлик, газламаларга ишлов беришга асосланган зардузлик, сузаначилик, пардачилик каби хунармандчилик соҳалари буйича уларни тарихи, уларда тайёрланадиган маҳсулотлар ҳақида ўқитиш туғри булади.

3. 7 - синфларда ёғочга ишлов беришга асосланган саватчилик, буйра-чилик, сандалчилик, металга ишлов беришга асосланган мисгарлик, қанда-корлик, газламаларга ишлов беришга асосланган гиламчилик, кунчилик, кийгизчилик каби хунармандчилик соҳалари буйича уларни тарихи, уларда тайёрланадиган маҳсулотлар ҳақида утиш мақсадга мувофиқ булади.

4. 8 - 9 синфларда ёғочларга ишлов беришга асосланган миллий халқ хунармандчилик соҳаларидан ёғоч уймакорлиги, бешикчилик, аравачилик, эгарчилик,



сандиқчилик, сандалчилик, саватчилик, буйрачилик, каровот (сури)чилик, муסיқа чолғу асбобларини тайёрлайдиган хунармандчилик, мебелчилик, миллий ром ва эшиклар, ўй жиҳозлари тайёрлайдиган хунар-мандчилик ва бошқа хунармандчилик соҳалари буйича камида иккитасини бевосита маҳсулот тайёрлаш асослариларни амалий ўргатиш мақсадга мувофиқ булади.

5. 8 - 9 синфларда металлларга ишлов беришга асосланган миллий халқ хунармандчилик соҳаларидан дегрезлик, пихтакорлик, қуймакорлик, чилан-гарлик, заргарлик, пичоқсозлик, мисгарлик, қандакорлик кабилар буйича камида иккитасини бевосита маҳсулот тайёрлашнинг технологияларини амалий ўргатиш мақсадга мувофиқ булади.

6. 8 - 9 синфларда газламаларга ишлов беришга асосланган миллий халқ хунармандчилик соҳаларидан қуроқчилик, каштачилик, зардузлик, чопон-чилик, дуппичилик, гиламчилик, кийгизчилик, кунчилик, мўйначилик, суза-на-пардачилик кабилар буйича имкон қадар купроқ, ҳеч булмаганда икки-тасини бевосита маҳсулот тайёрлашнинг технологияларини амалий ўргатиш мақсадга мувофиқ булади.

7. Умумий ўрта таълим мактабларида технология таълими буйича таш-кил қилинадиган тугаракларда ёш авлодга турли хил материалларга ишлов беришга асосланган миллий халқ хунармандчилик соҳаларидан ганчкорлик, ҳайкалтарошлик, кулолчилик, суяк ва тош уймакорлиги, тандирчилик, қандо-латчилик кабиларини ўргатиш мақсадга мувофиқ булади.

Агар қабул қилинган ДТС ва ўқув дастурларга таҳлил асосида этибор қилсак, ҳар қандай хунармандчиликни асоси ва уни юзага чиқарадиган ҳамда безаш вазифасини бажарадиган наққошлик ҳақида кам эътибор қилинган. Технология таълими ўқитувчиси буни эътиборга олиб, қайси халқ хунар-манчилиги соҳаси булмасин, уни ургатишдан олдин ўқувчиларга албатта наққошлик ёки нақшчилик ҳақида ургатиш лозимдир. Чунки, қайси халқ хунарманчилиги соҳасини олманг, унда тайёрланаётган буюм маҳсулотини нақш солмасдан маҳсулотни безак нақшсиз тайёрлай олмайди. Шунинг учун технология таълими ўқитувчиси хунармандчиликда наққошликни тутган урни ҳақида ўқувчиларга ургатиш керак булади.

Миллий халқ хунармандчилик технологияларини 8-9 синфларда ёғоч, металл, газламаларга ишлов беришга асосланган халқ хунармандчилик технологияларини ўқувчилар 5-7 синфларда миллий халқ хунармандчилиги бўйича олган миллий халқ хунармандчилик соҳалари ҳақидаги билим таса-вурлар асосида бевосита халқ хунармандчилик технология(халқ хунарманд-чилигида ишлатиладиган материаллар ва асбоб, мослама, техник жиҳозлар, хунармандчиликни технологик усуллари ва бошқалар) асосларини ва хунар-мандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнлари ташкил қилиш ҳамда бошқариш асосларини ургатишлари керак.

Демак, умумтаълим мактаблари технология таълими ўқитувчиси ўқув дастурларини ва иш режа-ларини тайёрлашда ушбу қайд этилган узлуксиз-ликни тامينлайдиган сама-радорлик мезонини эътибордан қочирмаслиги керак экан.

Шундай экан, бўлажак технология таълими ўқитувчисини тайёрлай-диган олий таълим тизими ҳам тайёрлаш жараёнида талабаларни халқ хунармандчилик соҳаларини барчаси ҳақида тулиқ ўқув материаллари асосида ўргатишларига туғри



келади. Чунки олий таълим тизими етиштириб берган технология таълими ўқитувчилари қайси мактабга бориб ишлаш-ларидан қаътий назар, мактабдаги технология таълимини миллий халқ ҳунармандчилиги булими буйича самарали дарс машғулотларини олиб боришга қодир булмоқлари лозим.


Умумтаълим мактаблари технология таълимини халқ ҳунармандчи-лиги булими бўйича дарс машғулотларини олиб борадиган ўқитувчилар миллий халқ ҳунармандчиликни умимий томонларига, бир-бирига яқин томонларига, ҳунармандчиликда ишлатиладиган умумий иш қуролларига, ҳунармандчиликда маҳсулот тайёрлаш технологияларини умумий ва хусусий томонларига, ҳунармандчиликда тайёрланадиган маҳсулотларни ухшашлик ва фарқ қиладиган томонларига ҳамда бошқа ҳунармандчиликларни техно-логик усулларига услубий ва дидактик жиҳатидан эътибор қилишлари керак.

Умумтаълим мактабларида технология таълимини миллий халқ ҳунар-мандчилик бўлимини ўқув дарс материалларини моҳияти буйича ҳунар-мандчиликни вужудга келиш тарихи ва унда тайёрланадиган маҳсулотларини ўрга-тиш материалларига, ҳунармандчиликда ишлатиладиган материалларни ўргатиш материалларга, ҳунармандчиликда ишлатиладиган асбоб ускуна ва жиҳоз мосламалар ҳақида ўргатиш материалларга, ва ниҳоят ҳунармандчи-ликда маҳсулот яратишнинг технологик усулларини ўргатиш материаллари-га булишимиз мумкин(расм- 1 ва 2).



Расм.1.Ёғочсозлик миллий халқ ҳунармандчилик соҳа турлари.

Расмдан ва юқорида келтирганлардан куришиб турибди, ҳунармандчиликни амалий ўргатишда хох умумий ўрта таълим мактабларида хох олий таълим тизимида булмасин ўргатиш жараёнини бошида албатта наққошлик буйича етарли тушунча, билимлар берилиши, куникма ва малакалар шакллантири-лиши лозим булади.



Расм.2. Наққошликни ёҳочсозлик хунармандчиликларида тутган урни.

Шундай қилиб, намунавий ўқув дастуридаги барча мавзулар тупламидан барча мавзуларни оламит, фақат уларни ўқитишда айримларини ўрнини ил-мий услубий асос бўйича алмаштириб, мақсадли режалар тузамиз, ўқувчи-ларучун имкон қадар миллий хунармандчилик турлари барчасини олишга ҳаракат қиламиз, ҳатто намунавий ўқув дастуридан четга чиқишга тўғри кел-сада, ёш авлодга хунармандчиликлар бўйича тулиқ маълумотлар беришга ҳаракат қиламиз.

References:

1. С.М.Булатов “Ўзбек халқ амалий безак санъати”. “Меҳнат”. – Т.: 1991й.
2. М.З.Муртазаев., М.Қ.Мухлибоев. “Халқ хунармандчилиги технология-лари”. Дарслик. ОЎМТВ дарслик сифатида тавсия қилади. “Фан техноло-гия”. -Тошкент. 2021. 160 бет. Руйхатга олиш рақами 237-160.
3. М.З.Муртазаев. Технология таълимини ўқитиш услуби. Хрестоматия шаклидаги ўқув қўлланма. – Тошкент: «Фан ва технология», 2014. – 998 бет.